

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**27** **Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2551*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ–1326-сонли «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 131-модда) 4-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 7 январдаги 1, 2013-1-сонли «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2412, 2013 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 3-сон, 37-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2013 йил 30 декабрь,  
116-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2013 йил 30 декабрь,  
2013-47-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси-  
нинг 2013 йил 30 декабрдаги 116 ва  
2013-47-сон қарорига  
ИЛОВА

27-модда

**Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган  
бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатилadиган хизматлар қийматининг  
МИНИМАЛ МИҚДОРЛАРИ**

**I. Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинadиган  
бир марталик йиғимларнинг минимал миқдорлари**

Т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Тошкент шаҳри	Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
<b>1.</b>	<b>Маҳсулотларни савдо ўринларида сотиш:</b>				
<b>1.1.</b>	<b>Мевалар:</b> <b>Хўл мевалар:</b> олма, анор, нок, шафтоли, анжир, олхўри, гилос, кўк ва қизил султон, ўрик, узум, олча, қулупнай, малина ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	2 500	1 800	1 000
	цитрус ва тропик мевалар (апельсин, мандарин, лимон, банан, ананас, киви ва ҳ. к.) ҳамда чет элдан келтирилган бошқа хўл мевалар	1 ўрин/кунга	7 000	5 000	2 500
	<b>Қуруқ мевалар, ёнғоқлар:</b> гуршак, баргак, майиз, ёнғоқ, ерёнғоқ, бодом, писталар, шўрданак ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	7 000	5 000	2 500
<b>1.2.</b>	<b>Сабзавотлар:</b> картошка, пиёз, карам, сабзи, саримсоқ, лавлаги, шолғом, булғор қалам- пири, бақлажон, патиссон, помидор, бодринг (шу жумладан, иссиқхоналарда етиштирилган помидор ва бодринг) ва ҳ. к. ҳамда пиширилган жўхори	1 ўрин/кунга	2 500	1 800	1 000
<b>1.3.</b>	<b>Полиз маҳсулотлари:</b> ҳандалак, қовун, тарвуз, қовоқ (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	7 000	5 000	2 500
<b>1.4.</b>	<b>Дон маҳсулотлари:</b> гуруч, кунгабоқар, ёрмалар (крупa), буғдой, сули, арпа ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	3 300	2 500	1 250

сўм

— 140 —

2 (606)-сон

сўм					
Т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Тошкент шаҳри	Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
1.5.	<b>Дуккакли маҳсулотлар:</b> мош, ловия, нўхат ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	3 300	2 500	1 250
1.6.	<b>Сут маҳсулотлари:</b> сут, қатик, қаймоқ, сметана, уй пишлоғи, сузма ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	2 500	1 800	1 000
1.7.	<b>Тузламалар:</b> карам, бодринг, помидор ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	4 200	2 500	1 800
1.8.	<b>Зирavor ва дориворлар</b> (зира, мурч, қалампир ва ҳ.к) ҳамда <b>асал</b>	1 ўрин/кунга	4 200	2 500	1 800
1.9.	<b>Кўкатлар</b> (шу жумладан, иссиқхонада етиштирилганлар)	1 ўрин/кунга	2 500	1 800	1 000
1.10.	<b>Тухум</b>	1 ўрин/кунга	4 200	2 500	1 800
1.11.	<b>Гуллар ва кўчатлар</b> (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	3 800	1 800	1 250
1.12.	<b>Нон маҳсулотлари</b> (оби нон, патир ва ҳ. к.)	1 ўрин/кунга	2 500	1 800	1 000
1.13.	<b>Уйда тайёрланган консерваланган маҳсулотлар, пазандалик маҳсулотлари ва уй шаронтида тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари</b>	1 ўрин/кунга	4 200	2 500	1 800
1.14.	<b>Саноат йўли билан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва салқин ичимликлар</b>	1 ўрин/кунга	6 300	4 000	2 300
1.15.	<b>Миллий таомлар</b>	1 ўрин/кунга	7 450	5 100	2 850
1.16.	<b>Полиэтилен ва қоғоз пакетлар, саватлар ва посылка қутилар</b>	1 ўрин/кунга	3 400	2 300	1 150
1.17.	<b>Супурги</b>	1 ўрин/кунга	2 500	1 800	1 000
1.18.	<b>Тирик балиқ</b>	1 ўрин/кунга	6 300	3 800	2 500
1.19.	<b>Халқ ижодкорлиги, халқ хунармандчилиги ва касибчилик товарлари</b> (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	1 250	1 250	1 250
2.	<b>Гўшт маҳсулотлари:</b> мол, қўй, чўчқа, парранда гўшти, жигар, думба ва ҳ. к.	1 ўрин/кунга	6 300	3 800	2 500
3.	<b>Маҳсулотларни автомашиналардан сотиш:</b>				
	енгил автомашиналардан	1 машина	7 400	4 000	2 900
	юк автомашиналардан	1 машина	11 450	6 850	4 000
	тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан	1 машина	21 700	6 850	4 000
	маҳсулотларни ердан сотиш (савдо расталаридан ташқарида, махсус ажратилган жойларда) (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	4 600	3 400	1 700

сўм					
Т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Тошкент шаҳри	Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
4.	Уй ҳайвонлари учун ем-озуқалар (ҳар бир тиркама ёки юк автомашинаси учун): шрот, шелуха, комбикорма, пичан, сомон, гуруч ва маккажўхори пояси ва ҳ. к.	1 машина	7 400	4 550	2 900
5.	<b>Қурилиш материалларини сотиш:</b>				
5.1.	Бозорлар ва савдо комплекслари томонидан махсус ажратилган жойларда оғир ва катта ўлчамдаги қурилиш материалларини сотиш:				
	6 кв. метргача	1 ўрин/кунга	3 400	2 250	1 700
	6 кв. метрдан — 15 кв. метргача	1 ўрин/кунга	5 700	3 400	2 250
	15 кв. метрдан — 30 кв. метргача	1 ўрин/кунга	8 000	4 550	3 400
5.2.	Кичик ўлчамдаги қурилиш материаллари (майда ўлчамли), сантехника, ёритиш ускуналарини (люстра, светильниклар ва ҳ. к.) сотиш (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	3 400	2 250	1 700
6.	<b>Илгари фойдаланишда бўлган буюмлар ва эҳтиёт қисмларни сотиш:</b>				
	Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар	1 ўрин/кунга	5 000	3 100	2 700
	Уй-рўзгор жиҳоз буюмлари ва кийим-кечаклар	1 ўрин/кунга	2 900	2 250	1 700
7.	<b>Автотранспорт воситаларини сотиш:</b>				
	енгил автомашиналар ва микроавтобуслар	1 дона	17 600	6 300	6 300
	юк автомашиналари, автобуслар, тракторлар ва бошқа юк кўтарувчи транспорт воситалари	1 дона	25 200	7 500	7 500
	мотоцикл, мотореллер ва мопедлар	1 дона	2 500	2 500	2 500
	велосипедлар	1 дона	1 800	1 800	1 800
8.	<b>Мол бозорига олиб кириладиган ҳар бир чорва моллари учун</b>				
8.1.	<b>От, той, туя</b>	1 бош	8 200	5 600	2 500
	бўғалоқ, эшак	1 бош	4 000	2 850	1 700
8.2.	<b>Йирик шохли қорамол:</b>				
	йирик шохли қорамол (шу жумладан, сигир бузоғи билан)	1 бош	8 200	5 600	2 500
	бузоқ	1 бош	4 000	2 850	2 050
8.3.	<b>Майда шохли қорамол:</b>				
	қўй, эчки (қўй қўзиси билан, эчки улоғи билан ва ҳ. к.)	1 бош	3 200	2 850	1 250
	қўзи, улоқ	1 бош	1 700	1 400	900

сўм					
Т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Тошкент шаҳри	Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
8.4.	<b>Чўчқалар ва чўчка болалари</b>	1 бош	3 200	2 850	1 250
9.	<b>Уй паррандалари:</b> курка, товуқ, ўрдак, ғоз	1 бош	900	700	700
	товуқ, курка, ўрдак, ғоз жўжалари	10 бош	900	700	700
10.	<b>Итлар ва мушуклар</b>	1 ўрин/кунга	3 200	2 850	1 250
11.	<b>Манзарали қушлар ва балиқлар</b>	1 ўрин/кунга	3 200	2 850	1 250
12.	<b>Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва балиқлар учун озуқалар ҳамда тегишли аксессуарлар ва буюмлар, бир жойда</b>	1 ўрин/кунга	1 150	900	700
13.	<b>Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва балиқлар, шунингдек уларнинг озуқалари ва тегишли аксессуарлар ва буюмлар, бир жойда</b>	1 ўрин/кунга	3 400	3 100	1 500
14.	<b>Пойабзал таъмирлаш хизмати</b>	1 ўрин/кунга	2 900	1 150	900

**II. Бозорлар ва савдо комплексларида инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларининг минимал миқдорлари**

сўм					
Т/р	Кўрсатиладиган хизматлар тури	Ўлчов бирлиги	Тошкент шаҳри	Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
1.	<b>Инвентарларни ижарага бериш:</b>				
1.1.	<b>Тош-тарозилар учун</b>	1 кунга	1 250	800	525
1.2.	<b>Катта юк тортиш тарозилари учун</b>				
	150 кг гача	1 кунга	2 500	1 250	900
	150 кг дан 1500 кг гача	1 кунга	8 800	6 300	5 000
1.3.	<b>Савдо жиҳозлари учун</b> (болта, тахтакач, пичоқ, ўриндиқ, воронка, патнис, сават ва ҳ. к.) (бутун тўплам учун, бунда тўплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)	1 кунга	1 250	900	525
1.4.	<b>Махсус уст-бош кийимлар учун</b> (халат, этак, энглик) (бутун тўплам учун, бунда тўплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)	1 кунга	400	300	200
1.5.	<b>Маҳсулотлар учун брезент бериш</b>	1 кунга	1 250	900	525
1.6.	<b>Аравачалар учун</b>	1 кунга	1 250	900	525

сўм

Т/р	Кўрсатиладиган хизматлар тури	Ўлчов бирлиги	Тошкент шаҳри	Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
1.7.	Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланган-лиги учун (1 кв метр)	1 кунга	1 250	900	525
2.	<b>Кўрсатиладиган хизмат турлари:</b>				
2.1.	<b>Қишлоқ хўжалик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш:</b>				
	совуткичларда (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ. к. учун)	1 кунга	1 950	1 800	1 800
	омборхоналарда, сақлаш камераларида (ҳар бир яшик, қоп ва ҳ. к. учун)	1 кунга	1 250	1 250	1 250
	бозор ҳудудидаги расталарда ва очиқ жойларда (савдо ўрни ҳисобидан)	1 кунга	1 250	1 250	1 250
2.2.	<b>Бўюмларни омборларда сақлаш (бир 50 x 50 x 100 ўлчамдаги жой учун)</b>	1 кунга	1 700	1 150	900
2.3.	<b>Маҳсулотларни тарозида тортиш:</b>				
	катта юк тарозида	1 марта тортиш	1 150	700	550
	йирик ва майда шохли қорамолни тортиш	1 марта тортиш	1 250	1 250	900
2.4.	<b>Автотарозилардан фойдаланиш:</b>				
	<b>юк кўтариш қуввати 5 тоннадан ортиқ бўлган тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан:</b>				
	юк билан	1 марта ўлчаш	9 150	2 300	1 700
	юксиз	1 марта ўлчаш	5 700	1 700	1 250
	<b>юк кўтариш қуввати 5 тоннагача бўлган тиркамали ва ярим тирка-мали юк автомашиналаридан:</b>				
	юк билан	1 марта ўлчаш	4 000	1 350	1 150
	юксиз	1 марта ўлчаш	2 900	1 150	900
	<b>енгил автомашиналардан:</b>				
	юк билан	1 марта ўлчаш	3 400	1 150	900
	юксиз	1 марта ўлчаш	1 700	900	700

сўм					
Т/р	Кўрсатиладиган хизматлар тури	Ўлчов бирлиги	Тошкент шаҳри	Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
	<b>тиркамали енгил автомашиналардан:</b>				
	юк билан	1 марта ўлчаш	4 000	1 400	1 150
	юксиз	1 марта ўлчаш	2 300	1 150	900
<b>2.5.</b>	<b>Меҳмонхона хизматидан фойдаланиш (1 та жой учун)</b>	1 кунга	6 300	3 800	3 750
<b>2.6.</b>	<b>Автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш учун:</b>				
	енгил автомашиналар учун	1 соатга	1 150	525	425
	юк автомашиналари учун	1 соатга	1 400	700	525
<b>2.7.</b>	<b>Ҳожатхона хизматидан фойдаланиш</b>	1 марта	400	300	200
<b>2.8.</b>	<b>Телефондан фойдаланиш</b>	1 марта	200	100	100
<b>2.9.</b>	<b>Радиоузел орқали эълон бериш</b>	3 марта такрор	400	300	200

**III. Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан ҳамда бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг минимал миқдорлари**

сўм					
т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги (ойлик тўлов)	Тошкент шаҳри	Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
<b>1.</b>	<b>Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара тўлови</b>				
	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв. метр учун	28 400	13 700	6 800
	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв. метр учун	25 000	11 400	5 700
	Умумий овқатланиш	1 кв. метр учун	28 400	13 700	6 800



сўм					
Т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги (ойлик тўлов)	Тошкент шаҳри	Вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
	Маиший хизмат кўрсатиш	1 кв. метр учун	10 300	5 100	3 400
	Бошқа турлар (омбор, офис, дорихона, пайнет ва ҳ. к.)	1 кв. метр учун	11 400	5 700	3 400
2.	<b>Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва қурилмалар мулкдорларидан бозорлар ва савдо комплекслари инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ундириладиган тўлов*</b>	1 кв. метр учун	4 800	4 000	2 800

Изоҳ:

\* Тўлов кадастр ҳужжатларида кўрсатилган эгаллаган ер майдонларидан келиб чиқиб ундирилади.

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1-1,2 погон метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари аралаш ҳолда сотилганда, тўлов сотиладиган маҳсулот турлари бўйича белгиланган энг юқори ставка бўйича ундирилади.

**IV. Мазкур Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.**

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**А. ШАЙХОВ**

2013 йил 30 декабрь